

vur qilish qiyin. Shunday qilib, o'quvchilarga matnli masalalarni yechishni o'rgatishning noan'anaviy yondashuvlari o'ziga xos xususiyatlarga egaligi bilan ahamiyatlidir.

O'qitishning klaster usuli o'quvchilarni faollashtirishi bilan muhim ahamiyatga ega. Shu sababli, bizningcha, Matematika o'quv fanini o'qitishda klaster usuli kutilgan samarani beradi. Misol uchun, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika institutida "Boshlang'ich ta'lim" kafedrasidan viloyatning umumiy o'rta ta'lim maktablari boshlang'ich sinflarida "Matematik savodxonlik

sinflari" tashkil etdi. Klasterning noyob usuli vositasida kafedra azolari va umumiy o'rta ta'lim maktablarining o'qituvchilari o'rtasida nazariy, kasbiy hamda amaliy hamkorlik yuzaga keldi. Buning natijasida boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik savodxonligini kuchaytirish imkoniyati paydo bo'ldi. Bu tajribadan Respublika miqyosida foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Shunday qilib ochiq matnli masalalarning yechimini o'quvchilarga klaster usulida o'rgatish innovatsion yondashuv hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020- yil 6-noyabrda "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrunda ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni. //www.ziyouet.uz

2. Галиуллина Е.Н. Что такое «открытые» задачи / Е.Н. Галиуллина// Младший школьник, воспитание, развитие: - Ульяновск: УГПУ, 2003, - С. 24- 36.

3. Muhammedov G', Xodjamqulov U., Toshmurova S. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri. -T.: 2020.

4. Quzmanova G.B. "Approaches of mathematical and pedagogical scientists in the teaching of textual problems in general secondary schools // Current research journal of pedagogics 2(8): 80-83, August 2021 DOI: <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crijp-02-08-18> ISSN 2767-3278 ©2021 Master Journals.

REZYUME

Maqolada umumiy o'rta ta'lim maktablarida ochiq turdagi masalalarni yechishda klaster usulining mohiyati ochib berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется важность кластерного подхода в решении открытых задач в общеобразовательных школах.

SUMMARY

The article examines the importance of the cluster approach in solving open- problems in schools.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Ш.Нурбоев – тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: халқ достонлари, таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия, урф-одат, халқ педагогикаси, тафаккур, дунёқараш, адабиёт.

Ключевые слова: народные былины, образование, духовно-нравственное воспитание, традиция, народная педагогика, мышление, мировоззрение, литература.

Key words: folk epics, education, spiritual and moral education, tradition, folk pedagogy, thinking, worldview, literature.

Ахлоқий маданиятнинг доимий ривожланишини миллатимизнинг тафаккури, дунёқарashi, педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумлари, маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ тугал ва сермазмун хулосаларида кўрамиз. Бинобарин, бу хулосалар халқ достонларида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топганки, улар ўз навбатида авлодларни маънавий камолотга етказувчи, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган ахлоқий фазилатларни сингдирувчи тарбия воситаси ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан яна кундалик ҳаётимизда миллий тарбияга, таълимда халқ достонларига қайта-қайта мурожаат этишни, айниқса, маънавий-ахлоқий тарбия тизимларига дахлдор жиҳатларни илмда махсус ўрганиш ва таълим жараёнида ўргатиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Халқ достонларидаги ватанга, ўз элига садоқатлилик, эътиқодлилик, инсонпарварлик, ҳушмуомалалик, оқиллилик, ота-онани қадрлаш, фарзандга меҳр-муҳаббатлилик, ҳамжиҳатлик, омонатни сақлаш ва хиёнат қилмаслик, тухмат ва нафс балосидан сақланиш, дўстликни сақлаш, умрни қадрлаш, қўшничилик ва қўшни қадрига етиш каби юздан ортиқ энг етакчи миллий одоб мезонларимизнинг дидактик асосларини очиб бериш орқали баркамол авлодларда миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳамда методларини ишлаб чиқиш бугунги замон талаби саналади.

Халқ педагогикасининг таълим-тарбиявий ва дидактик имкониятлари, айниқса, баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий масалаларини фольклор намуналарига боғлаб ўрганиш, уларнинг ўзига хос ечими ва талқинларини миллий

тарбияшунослигимизда З.Миртурсунов, Б.Қодиров, Н.Сафаров, М.Шербоев, О.Мўминов, М.Маҳмудова, Х.Жумаева, Я.Раҳмонова, А.Мусурмонов, А.Соҳибоев, М.Мусурмонова, М.Бозорова, М.Қосимова, Г.Холбоева каби олимларнинг тадқиқотлари ва мақолаларида ҳам кўрамиз. Уларнинг ҳаммасида бир томондан назарий ва илмий-методик самарадорлик, иккинчи томондан, давр мафқурасининг кучли таъсири, партиявийлик мафқураси талаби ҳукмрон тамойил сифатида етакчилик қилди. Натижада, бу давр тадқиқотларида фольклор намуналарига мурожаат этиш ва уларнинг тарбиявий, таълимий ва дидактик имкониятларини таҳлил қилишда тадқиқотчиларнинг бир ёклама фикр-мулоҳазалар юритишига сабаб бўлди: яъни, педагогик ҳодисаларга синфийлик ва шўровий мафқура нуктаи назардан ёндашиш тамойили устунилик қилди.

Яна шуни таъкидлаш жоиз: М.Муродов, Қ.Ўлдошев, Т.Турдиев, И.Ёрматов, О.Мадаев, А.Эргашев, Ў.Отамирзаева, З.Ибрагимова, Д.Жуманазарова ва бошқаларнинг [1-9] ишларида ҳам яна халқ оғзаки ижодидаги таълим-тарбия масалаларининг айрим жиҳатлари, баркамол авлод тарбиясига таъсири масалалари ёритилганлигини кузатамиз, лекин, улардаги қўйилган муаммоларда методик жиҳатдан филологик таҳлил устунилик қилади.

Халқ педагогикасида баркамол авлод тарбиясига дахлдор маънавий-ахлоқий масалаларнинг қўйилиши муаммосига алоқадор илмий-тадқиқотлар ва адабиётларни ўрганиш бизни қуйидаги мулоҳазаларни билдиришимизга имкон берди:

1. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб то мустақиллик қўлга киритилгунгача бўлган даврдаги миллий педагогикамизда бир неча диссертациялар ёзилди, алоҳида монографик тадқиқотлар ва илмий-методик мақолалар эълон қилинди. Лекин, уларнинг

хаммасида ҳам ўша давр талабларидан келиб чиққан ҳолда шўровий мафкура таъсирининг устунлиги сезилади.

2. Мамлакатимизнинг мустақиллиги йилларида халқ педагогикасидаги маънавий-ахлоқий тарбия муаммосига оид ишларда биринчидан, шўровий мафкурадан бутунлай холи бўлган, янгиланаётган илмий тафаккурнинг тобора кучайиб борганлигини, уларда бир қатор педагогик-услубий тавсиялар ва усуллар етакчилик қилганлигини кузатдик. Иккинчидан, илмий савия масаласи илгаригиларга нисбатан сифат жиҳатидан анчайин даражада ошганлигини, улар санок жиҳатдан сезиларли даражада кўпайганлигига ишонч ҳосил қилдик. Учинчидан, бу давр тадқиқотларида миқдор билан сифат ҳамиша ҳам бир хил даражада бўлмаганлигини, кўпчилик ишларда муаммога янги педагогик тафаккур талаблари асосида ёндошиш, қўйилган муаммонинг тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган қирраларини мустақиллик мафкураси асосида қайтадан тадқиқ қилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Ва ниҳоят, энг муҳими, бундай илмий жараёнлар ўзининг долзарблиги билан бугунги кунда ҳам сифат жиҳатидан тобора кучайиб бораётганлигини кузатяпмиз.

Халқ дostonлари воситасида баркамол авлод тарбиясини ривожлантириш муаммосини ўрганиш бизни қуйидаги мулоҳазаларни билдиришга олиб келди:

1. Баркамол авлод тарбиясида, хусусан, юксак маънавий фазилатларни эгаллаб олишларида миллий ва умумбашарий ғоялар етакчилик қилган халқ дostonлари ўзига хос ўринга ва дидактик хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

2. Баркамол авлод халқ дostonларининг энг сарра намуналари ўрганиш орқали миллий руҳиятга эга бўладилар, қадимий урф-одатлар ва қадриятларни билиб оладилар, маънавий-ахлоқийлик мезонларига дахлдор юксак инсоний фазилатларни ўз фаолиятларига сингдирадилар. Энг муҳими, тегишли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб оладилар.

3. Халқ дostonлари дидактик манба сифатида баркамол авлод онгига эстетик таъсир этиб, шуури ва руҳиятида ватанга меҳр-муҳаббат, ўтмиш ҳаётнинг маънавий-маърифий сабоқларини ҳурмат қилишга, миллат фарзанди сифатида ота-боболаримиздан бизга ўтиб келаётган адабий-маданий меросни, миллий қадриятлар ва анъаналарни қадрлашга ўргатади, халқ одобномасидан етарли даражада билим бера олади.

Адабиётлар

1. Жуманазарова Д. Маънавий-ахлоқий тарбия ва халқ дostonлари. -Т.: “Фан”, 2008. 169-б.
2. Миртурсунов З. Ўзбек халқ педагогикаси ва унинг Эргаш шоир дostonларида акс эттиришга доир. // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликлари ўрни. - Т.: “Фан”, 1971. 141-145-б.
3. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома (1-китоб, Сурхондарё талқини). - Т.: “Меҳнат”, 1999. 486-б.
4. Муродов М., А.Эргашев. Алпомишнома (2-китоб, Қашқадарё талқини). - Т.: Меҳнат, 2000. – 564 б.
5. Муродов М., Ҳақимов Н., Эргашев А. “Қадриятнома” 1-китоб. - Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2001. 544-б.
6. Холбоева Г. Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари (5-7-синфларнинг адабиёт дарслари мисолида). Педагогика фанлари номзоди ... дисс. -Т.: 2009. 128-б.
7. Холбоева Г. Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007. 84-б.
8. Холбоева Г. Халқ дostonларида миллий қадриятлар ифодаси. // “Халқ таълими”. -Т.: 2004. №4. 79-80-б.
9. Қодиров Б. Халқ педагогикаси (монография). – Т.: Университет, 2002. 256-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ёшлар тарбиясига дахлдор маънавий-ахлоқий масалаларнинг қўйилиши муаммосига алоқадор илмий-тадқиқотлар ва адабиётларни ўрганиш натижасидаги мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены отзывы о результатах исследований и литературе, посвященной проблеме духовно-нравственных вопросов, связанных с воспитанием молодежи.

SUMMARY

This article provides feedback on the research results and literature on the problem of spiritual and moral issues related to the education of young people.